

Уларнинг энг оддийси ҳам оддий эмас



09:00 / 31.01.2023 2351

Жаъфар Соиғ айтади:

«Аҳмад ибн Ҳанбалнинг қўшнилари ичида маъсиятга ботган бир киши бор эди. Бир куни у Аҳмад ибн Ҳанбалнинг илм мажлисига келиб салом берди. Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳ унинг саломига истамайгина жавоб қайтарди ва унинг келганига хурсанд бўлмагандек кўринди. Шунда у киши имом Аҳмадга деди:- Эй Абу Абдуллоҳ! Нега хурсанд эмассиз? Мен кўрган тушим сабаб бўлиб олдинги қилмишларимни ташладим!

Имом Аҳмад сўради:

- Қанақа туш экан?

- Тушимда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. Юқори жойда ўтирибдилар. Атрофларида кўп одамлар бор. Ҳамма у кишидан дуо оляпти. Бир киши туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мени дуо қилинг!», деди. Уни дуо қилдилар. Охирида ёлғиз мен қолдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мендан сўрадилар:

- Ҳой фалончи! Сен нега дуо сўрамаяпсан?

Мен дедим:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Мен дуо сўрашдан қилмишларим сабабли ҳаё қиялман!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга дедилар:

- Тур! Мендан сўра. Сен учун дуо қиламан. Сен асҳобларимдан бирортасини сўкмагансан!

Мен туриб у кишидан дуо қилишларини сўрадим. У киши мени дуо қилдилар. Уйғониб кетдим. Шундан кейин Аллоҳ менга олдинги қилмишларимни ёмон кўрсатиб қўйди!

Буни эшитган имом Аҳмад Жаъфар Соиғга деди:

- Бу воқеани кишиларга айтишлар, ёдлаб олинглар. Бунинг фойдаси бор!».

Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шаксиз бу заминда ўтган пайғамбарларнинг энг афзалидирлар. У кишининг асҳоблари ҳам бу заминда ўтган пайғамбарлар асҳобининг энг афзалидир!

Нух алайҳиссаломнинг асҳоблари агар кемага минган бўлишса, саҳобалар ширк тўлқинларида чайқалиб турган тавҳид кемасига минишди!

Мусо алайҳиссаломнинг асҳоби агар у киши билан денгизни кесиб ўтган бўлишса, саҳобалар Набий алайҳиссалом билан саҳроларни асосиз ёриб ўтишди!

Мусо алайҳиссаломнинг асҳоблари денгиз қирғоғига келганда: «Энди қўлга тушдик!», деган бўлса Набий алайҳиссаломнинг саҳобалари мушриклар қамали ичида қолганда ҳам: «Бу бизга Аллоҳ ва Расули ваъда қилган нарса. Аллоҳ ва Расули рост сўзларлар!», дейишди!

Исо алайҳиссаломнинг асҳоби у кишини тасдиқлаш учун осмондан дастурхон туширишини талаб қилган бўлса, саҳобалар Мадинада қамалда турганларида куни келиб Форс ва Рум давлатларини фатҳ қилишлари ҳақидаги Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хабарларини тасдиқладилар!

Улар саҳобалар! Уларни севиш ибодат. Уларнинг фазилатини эътироф қилиш иймон. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличлари ва суянадиган асолари эдилар. У киши учун руҳларини фидо қилишди. У киши учун қонларининг нархини туширишди. Бор молларини оёқлари остига тўкишди!

Аллоҳим бизни улар билан бирга тирилтиргин. Улар билан бирга жамлагин. Уларнинг энг оддийси каби бўлишимиз учун нафсимизга қарши курашда бизга ёрдамчи бўлгин. Зеро, уларнинг энг оддийси ҳам оддий эмас!

Абдулқодир Полвонов